

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 2 март, Душанба

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

**XXI АСР  
САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Шигео Кацуни қабул қилди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, амалий кўшма лойиҳалар ижросининг бориши, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди.

● «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш бўйича хайрия жамғармасининг навбатдаги лойиҳасига кўра, Оролни кутқариш халқаро агентлигининг 15,6 миллион сўмлик хайрия юклари Нукусга келтирилди. Витаминга бой озиқ-овқатлардан иборат ушбу ёрдам юклари Нукусдаги республика силга қарши курашиш болалар санаторийси, Хўжайлидаги 1-сонли республика Меҳрибонлик уйи ва бошқа муассасаларга топширилди.

● Урганчлик тадбиркор Хушнуд Рўзметов «Пахтабанк»нинг Хоразм вилояти филиалдан олган 50 миллион сўмлик молиявий кўмакка хориждан зарур ускуналар олиб келиб «Хоразм Хумо» хусусий корхонасини ишга туширди. Натижада корхонада қисқа вақт мобайнида 20 миллион сўмликдан ортиқ буюк маҳсулотлари тайёрланди ва истеъмолчиларга етказиб берилди.

● Кўкон шаҳридаги 2-пахта тозалаш корхонасида фаолият кўрсатаётган уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослашган кичик корхона томонидан бугунги кунгача 900 тонна уруғлик чигит тайёрланиб, унинг аксарият қисми уруғлик тарқатиш шохобчаларига етказиб берилди. Экин-тикин мавсуми бошлангунча қадар бу ерда яна 1000 тонна сара уруғ тайёрланади.

● Самарқанд шаҳридаги Зомин, Ургут, Мирзо Пўлат ва бошқа маҳаллаларда яшаётган фаол хотин-қизлар, уй бекалари, онахонлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Унда аёлларнинг қариятдаги мавқеини янада кўтариш, фаоллигини ошириш масаласига асосий эътибор қаратилди.

● Бухоро вилояти Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методиқ маркази фотогалереясида Кишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ҳаваскор фотосуратчиларнинг «Кўзгуда қишлоқ ҳаёти» мавзусидаги кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда қишлоқлар тарихи ва уларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, миллий урф-одатлар ва анъаналаримиз ёрқин акс этган фотоасарлар намойиш қилинди.

● Навоий вилоятида хориж сармоядорлари маблағи хусусидан ташкил этилган «Навбахор текстиль» корхонаси ўз фаолиятини бошлади. 80 нафар маҳаллий қизлар иш билан таъминланган янги корхона бир йилда 603 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга.

## ЖАҲОНДА

● Россия Федерациясида минтақавий ва маҳаллий органларга сайловлар бўйича ягона овоз бериш куни бўлиб ўтди.

● Россия Федерацияси Президенти Д.Медведев давлат ташрифи билан Испанияга келди. Ташриф чоғида ҳар иккала мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорлик юзасидан декларация ҳам имзоланади.

● Бельгиянинг Брюссель шаҳрида Европа Иттифоқининг жаҳондаги глобал иқтисодий инқироздан чиқиш масалаларини муҳокама қилишга бағишланган саммити бўлиб ўтди.

● Хитой Халқ Республикасининг сунъий йўлдоши илк бор Ой сатҳига кўчди.

● Исроил бош прокурори мамлакат Бош вазири Эхуд Ольмертни унга нисбатан коррупция бўйича айблов эълон қилинишидан огоҳлантирди.

● Покистонда жангарилар томонидан БМТ вакили ўғирланди. Жангарилар агарда тўрт кун давомидан улар кўядиган талаблар бажарилмаса, БМТ вакилини қатл этишларини билдирдилар.

● Италия Ироқ билан ушбу мамлакатдан нефть олиш ҳажмини кенгайтириш юзасидан битим имзоланишини маълум қилди.

● Европанинг экологик жиҳатдан энг тоза шаҳарлари сифатида Швеция пойтахти Стокгольм ва Германиянинг Гамбург шаҳарлари эътироф қилинди. Шу боис Европа Иттифоқи комиссияси ушбу шаҳарларга «яшил пойтахтлар» дея ном берди. Гамбург, Стокгольм 2010 йилга қадар, Гамбург эса 2011 йилгача шундай таърифланади.

● Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти маълумотларига қараганда, дунё миқёсида 2005 йилда ишсизлар сони 190 миллионга етган бўлса, жорий йилда уларнинг миқдори 210 миллиондан ошиши кутилмоқда. Бундай юқори кўрсаткич кейинги 10 йил ичида юз бермаган эди. Мутахассисларнинг фикрича, 2009 йилда глобал молиявий инқироз туфайли қарийб 20 миллион киши ишсиз қолиши мумкин.

● Халқаро тадқиқотчилар гуруҳи Антарктида музликларини остида жойлашган Гамбург тоғ тизмаларининг илк топографик харитасини яратишга муваффақ бўлишди. Тоғ тизмаларини ўрганишда 4 километр қалинликдаги муз қатламини пармалашга ҳам тўғри келди. Энг муҳими тадқиқотчилар қалин музликлар остида кўплаб дарё ва кўллар мавжудлигини аниқлашди.

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### Киска сатрларда

● **ШАХРИМИЗДА** сув ресурсларидан интеграцион фойдаланишнинг истиқболли йўналишларига бағишлаб ўтказилган анжуманда ирригаторлар, нодавлат ношарат ташкилотларининг вакиллари иштирок эттиди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 544-мактабгача таълим муассасасида намойиш этилган кичкинтойлар томонидан тайёрланган икждий ишлар кўргазмаси Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари, тўғарақлар, курслар қатнашчилари иштирокида Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Гивандлик — инсоният душмани» деб номланди.

● **БУГУН** Тошкент шаҳар чакрив-йигув пунктида Миробод туманидан мuddатли ҳарбий хизматга отланган аскар йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** банк коллежида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган очик тарбиявий соат «Тошкент шаҳрининг тарихини ўрганиш» деб номланди.

● **УТГАН** куни «Ёшлик» талабалар шарҳчаси ҳудудида ёшлар иштирокида экологик ҳашар ташкил этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг спорт мажмуасида таъкидланган бўйича Ўзбекистон чемпионатига старт берилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг  
Аxbорот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз хабарларидан).



## Хусусий тадбиркорлик ЧИРОЙЛИ ВА БЕЖИРИМ ЛИБОСЛАР

Бу борада Юртбошимизнинг 2006 йил 17 апрелидаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2008 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Velvetine» хусусий фирмаси ҳам мижозларга сифатли хизматни ташкил этиш ҳамда янги моделда замонавий кийим-кечаклар тайёрлашни йўлга қўйган. Фирма ўз дўконига ҳам эга бўлиб, бу ерга ташриф буюрган буюртмачилар дизайнерларнинг излашлари билан танишиши, ўз талаб ва тақлифларини билдириши мумкин.

— Хусусий фирмамизнинг ташкил топганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ, — дейди тадбиркор аёл, фирма директори Саодат Шоқосимова. — Лекин мана шу қисқа давр мобайнида ўз излашилари билан буюртмачиларни жалб эта олди. Бозорни ўрганган ҳолда яратётган турли либосла-

римиз хариддорларга манзур бўлмоқда. Айниқса, маҳаллий хом ашё — иппак, жуң, лавсан, адрас матоларидан фойдаланган ҳолда яратётган либосларимизда миллий ҳамда европача услубни уйғунлаштиришимиз яхши самара бермоқда. Аёллар учун тайёрланган кийим-кечакларимизнинг турли тошлар билан безалиши, каштачилар билан ҳамкорликда нақшлар туширилиши харидорлигини оширмоқда. Эрақлар учун ҳам замонавий кийимлар тикаялмиз. Болаларга мўлжалланган либосларимиз эса иқлим шароитимизга мос, қўлай ва бежиримлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда тикилаётган кийим-кечакларнинг асосий дизайнери корхона раҳбарининг ўзи бўлиб, у бу борада хорижий каталоглардан фойдаланади, бозор талаби ҳамда харидор дидини тинмай ўрганади. Фирмада меҳнат қилаётган тикувчилар эса сифатга эътибор қаратишда, ҳар бир буюртмачининг талабини қондиришга ҳаракат қили-



шади. Бу борада уларга хорижий тикув машиналари энг яқин мададкор бўлмоқда. Тадбиркорлар «Чиройли, қўлай, замонавий, бежирим» широнига амал қилган ҳолда меҳнат қилмоқда. Уларнинг асл мақсади бозорни харидорлиқ тикув маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида аҳолига намунали хизмат кўрсатишдир. Буюртмачиларни ошира бориб келгусида фирмани кенгайтириш, хотин-қизларни ишга жалб этиш кўзда тутилган.

Шарифа ИЛЁSOVA


СУРАТЛАРДА: фирма тикувчилари фаолиятдан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

## ДРЕЗДЕНДА ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИМИЗ ТАҚДИМОТИ

Германиянинг Дрезден шаҳрида «Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари» мавзусида тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Жаҳон маданий мероси маркази ҳамда Дрезден университети томонидан мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган тадбирда Саксония федерал ўлкаси расмий ва ишбилармон доиралари, маҳаллий оммавий аxbорот воситалари вакиллари иштирок этди.



Маросимда сўзга чиққан Жаҳон маданий мероси маркази директори Андреас Фридрих Буюк Иппак йўлининг дурдоналари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари Осиё билан Европа ўртасидаги савдо ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришдаги ўзига хос кўприк сифатида тарихий аҳамият касб этишига эътибор қаратди. «Маъзур шаҳарларнинг тарихий-маданий ёдгорликлари нафақат ўзбек халқининг бойлиги ва гурури, балки жаҳон меросининг бебаҳо қисми ҳамдир», — деди немис олими.

Мамлакатимизда кўп мартаба бўлган ва юртимиз тарихини ўрганиб келаётган Дрезден университети тадқиқотчиси Йенс Йордан Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг тарихий ривожланиши бошқилари ҳақида гапирар экан, замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мамлакатимиздаги энг диққатга сазовор меъморийлик ёдгорликларининг барпо этилиши тарихи ва усулларини намойиш этди. Тақдимотда асосий эътибор Самарқанддаги Гури Амир макбар-

си, Бибиҳоним мажмуи, Тиллақори, Шердор, Улугбек мадрасалари, Бухородаги Сомониёлар макбараси ва шаҳар кўрғони, Хивадаги Ичан қалъа ва Калта Минор каби тарихий иншоотларга қаратилди. Немис олими Темурийлар даври Мо-вароуннах ҳудудида шаҳарсозлик, меъморийлик, фан ва маданиятнинг юксак даражада ривожлангани билан алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Й. Йордан, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан халқимизнинг маданий-тарихий меросини асраб-авайлаш, қайта тиклашга қаратилган эътиборни алоҳида кайд этди. «Айни пайтга қадар ЮНЕСКО қарори ва шаъфелигида Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши ва Марғилон каби тарихий шаҳарларнинг юбилейларига бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди, — деди олим. — Самарқандда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти тарихий ёдгорликларни асраш борасида кенг фаолият кўрсатиб келаётгани ҳам эътиборга молик».

Тадбир доирасида Тошкент

шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тақдимот ҳам бўлиб ўтди. Иштирокчиларга мамлакатимиз пойтахтини, пойтахтнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга йўналтирилган Ўзбекистон Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳамда ҳукуматимиз томонидан кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига бағишланган немис тилида тайёрланган ҳужжатли фильм ҳамда Тошкентнинг тарихий қадимжолари ва бугунги ҳаётига бағишланган фотокўргазма намойиш қилинди.

Иштирокчилар эътиборига, шунингдек, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ва мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳат қилиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар хавола этилди.

«Жаҳон»АА,  
Берлин

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛАМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА МЎЛЖАЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ЮРТИМИЗДА БАРЧА ЖАБҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАЛАРДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН ҲАМОҲАНГ ТАРЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ. БУ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА, ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ САВЯСИНИ, ОНГУ-ШУУРИ, ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ, МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ СИЁСАТ САМАРАЛАРИДАНДИР.

## ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Республика Маънавият тарғибот марказида бўлган йилгида бу алоҳида кайд этилди. Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Хожиматов, «Нуроний» жамғармаси раиси Э.Бокибоев, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари М.Зуфарова, «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари В.Каримова ва бошқалар мамлакатимизда миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхтади. Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари асосида амалга оширилаётган бу ишлар негизда халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларни соғлом ва теран тафаккур соҳиблари этиб тарбиялашда эзгу мақсад мужассам экани кайд этилди.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, аънаъна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшлар қалби ва онгида она-юрта муҳаббат, истиқлол гоғларига садокат туйғулари шакллантириш Маънавият тарғибот маркази фаолиятининг асосий йўналишидир. Бу борада қатор ташкилотлар ҳамкорлигида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бугунги

глобаллашув жараёнида ёшларни турли мафқуравий хуржлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизда ён-атрофда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш каби вазифалар марказ мутахассисларининг доимий диққат-эътиборида.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китоби мазмун-моҳияти, аҳамияти, унда белгилаб берилган асосий вазифаларни жойларда тарғиб этиш юзасидан марказ томонидан қўлаб учрашувлар, давра суҳбатлари, анжуманлар, семинарлар ўтказилмоқда. Турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида ташкил этилган долзарб мавзулардаги маънавий-маърифий тадбирлар давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳияти, ислохотлар жараёни, қабул қилинган давлат дастурлари ва бошқа ҳуқуқий-меъриёий ҳужжатларнинг аҳамиятини тарғиб этишда муҳим омил бўлаётди. Шунингдек, изланувчан ва фидойий соҳа ходимларини аниқлашда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

**МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ҲАМ ТАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, МУДОФАА ИШЛАРИ БОШҚАРМАЛАРИ ЧАҚИРУВ ПУНКТЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МОДДИЙ-ТЕХНИК АШЁ ВА ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНИШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФААСИНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛИНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.**



Фармон ва ижро

## ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС ЧАҚИРУВ ПУНКТЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасидан маълум қилишларича, пойтахтимизнинг Миробод, Мирзо Улуғбек, Сергели, Чилонзор тумани мудофаа ишлари бўлими ва чакирув пунктлари бинолари замон талаблари асосида таъмирланди. Ҳозир қолган туманлардаги бундай масканларда ҳам қурилиш-таъмирлаш, жиҳозлаш ва ободонлаштириш ишлари изчил давом этмоқда.

— Утган йили чакирув пунктими капитал таъмирдан чиққан янги бинога кўчирилди, — дейди Чилонзор тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, полковник Рашид Акрамов. — Илгари хоналарнинг камлиги, электр энергия таъминоти ва иситиш тизимининг кўнгилдагидек ишласлиғи йиғилган тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида қатор муаммоларни келтириб чиқарган эди. Янги чакирув пунктимида барча зарур шарт-шароит

муҳайё этилган чакирувчилар билан ишлашда қулайликлар яратди. Бўлажак аскарларни тиббий кўриқдан ўтказишда муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларга замонавий тиббий воситалар, диагностика аппарати ва компьютерлар билан таъминлангани чакирув сифат ва самардорлигини оширмоқда.

— Қарийб йигирма беш йилдан бери чакирувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишда иштирок этман, — дейди Чилонзор туман чакирув тиббий комиссияси аъзоси, олий тоифали шифокор Гулнара Болтаева. — Ҳозир ҳарбийга овланаётган йигитлар бундан йигирма йил олдинги чакирувчиларга нисбатан анча соғлом, бақувват ва интеллектуал салоҳияти баланд. Буни уларнинг кўрак қафаси кенлиги, бўйиннинг нисбатан баландлигидан ҳам билиш мумкин. Улар хорижий тилларни, компьютер техникаси билан «тиллашиш»ни яхши билади, муайян касб эгаси. Бу халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани, ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом авлод камол топаётганидан далолатдир.

Чакирув комиссиялари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий хара-



кати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг вакиллари киритилган чакирувчиларнинг оилавий шароити, турмуш тарзини чуқур ўрганиш, ёшлар орасидан маънавий-ахлоқий ва руҳан тетик, соғлом, жисмонан кучли йигитларни саралашда алоҳида ўрин тутди.

Чакирув пунктида ташкил этилган алоҳида бурчак ёшларнинг ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, ҳарбий қисм ва билим юрталарида аскар ва курсантлар учун яратилган шарт-шароит, берилаётган имтиёзлар бўйича тўлиқ маълумот олиши, Қуроли Кучларининг ҳақида билимга эга бўлишига хизмат қилмоқда.

**Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ СУРАТЛАРДА: ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ ҲАРБИЙ ЧАҚИРУВ УЧАСТКИДАН ЛАВЛАЛАР. АЪЛО АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) ОЛГАН СУРАТЛАР.**

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ЎРМОНЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШМОҚДА

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАРИЙБ БИР ҲАФТА ДАВОМИДА РОССИЯНИНГ МОСКВА ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИДА БЎЛИБ, ИККИ МАМЛАКАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИДОРЛАРИ ҲАМКОРЛИКДАГИ АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ЎРГАНДИ.**

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари, Ўрмончилик хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Собиржон Эргашев раҳбарлигидаги юртимиз делегациясининг Россия Қишлоқ хўжалиги вазири ўрмон хўжалиги федерал агентлиги раҳбари Алексей Савинов билан учрашуви давомида ўрмон хўжалиги соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари борасида фикр алмашилди.

Россия Ўрмон хўжалиги федерал агентлиги раҳбари ўринбосари Борис Большаков раҳбарлик қилган делегация билан ўтказилган йиғилишда эса Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро дастур доирасида 2012 йилгача бўлган давр мобайнида биргаликда амалга ошириладиган тадбирлар режаси атрофида муҳокама қилинди. Йиғилишда икки мамлакат ўрмон хўжалиқларининг ҳозирги аҳоли ва уларни ривожлантириш режалари, ҳамкорликнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Ўрмон хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик имкониятлари анчайин кенг бўлиб, у ўз ичига ўрмон кадастри ва ўрмонларни ободонлаштириш, дархат ва бута турларининг уруғларини алмашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва қуриқлаш фаолияти, ўрмон хўжалиги соҳасининг барча тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш каби йўналишларни қамраб олади.

Ташриф доирасида мамлакатимиз делегацияси аъзолари «Авиалесоохрана» ҳамда «Рослесозащита» федерал унитар муассасалари фаолияти билан танишди. Шунингдек, Москва вилоятидаги «Рослесинформ» ва «Центрлеспроект» федерал унитар корхоналари, Россия Ўрмончилик ва ўрмон хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида ҳам учрашувлар ўтказилди. «Правда» ўрмон хўжалиги билим юртида эса вакилларимиз мазкур ўқув даргоҳидаги таълим жараёни ва ўқув дастурлари билан танишдилар.

Учрашувлар якунида соҳа вакиллари ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга қаратилган қўшма тадбирларнинг ўтказилишини назарда тутувчи муҳим ахдлашувларга эришилди.

«Жаҳон» АА, Москва

## Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида СИФАТГА ЭЪТИБОР ОШМОҚДА

Ишдан ҳориб қайтганингизда олдингиздан доимо нимадандир домонгир бўлиб юрадиган қўшингиз чиқиб қолди.

— Тагин нима гап? — дедингиз бисотингизда унга таскин тасалли берадиган бирор яхшироқ сўз йўқлигидан таажубланиб.

— Кеча Навоий кўчасидаги дўконларнинг биридан уяли телефон аппарати сотиб олгандим. Ҳалигача ишлата олмай ҳалакман, — дейди у баттар хуноби ошиб.

Сиз унга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган амалдаги қонунчилик меъёрлари, талаблари ҳақида билганингизча гапириб бердингиз. Эртаси куни кўрдингизки, у воқолатли ташкилот ходимлари ёрдамида ўз ҳуқуқини тиклаб олибди. Буни қарангки, сизнинг ҳолис маслаҳатингиз туфайли кимнингдир оғри енгил бўлди. Кимгадир нафнингиз текканидан ўзингиз ҳам енгил тордингиз.

Шундай экан, бу борада амалга оширилаётган айрим ишлар ва уларнинг ибодий натижалари хусусида танишиб олсангиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Собир Раҳимов тумани Қоракамши 1/2-даҳаси, 9-уй, 70-хонадонда истиқомат қилувчи Б.Қаршиев Навоий кўчасида жойлашган «Bosh» савдо дўконидан «Bosh-Siemens» русумидаги музлатгични 783.000 сўмга харид қилган. Аммо ўзининг сифат кафолатини оқлай олмаган музлатгич ишлабтириш қўрилганида унинг техник жиҳатдан ноқисолиги маълум бўлди. Шу боис истеъмолчи талабига кўра, у 1552.900 сўмлик янги музлатгичга алмаштирилди.

Хамза тумани Лисунова кўчаси 33-уй, 67-хонадонда яшовчи О.Бессарова Навоий кўчасида «Телефон» савдо дўконидан «LG» русумидаги телевизорни 645.000 сўмга сотиб олган. Бирок телевизор сифатсиз чиққанлиги боис, сарфланган маблағ қайтариб берилди.

Чилонзор тумани 8-уй, 13-хонадонда истиқомат қилувчи С.Сухова Навоий кўчасида жойлашган хусусий тадбиркор Ф.Қосимовга тегишли «Универсал» савдо дўконидан «Моторола» русумидаги уяли телефон аппаратини 200.000 сўмга харид қилган. Лекин мазкур маҳсулот техник сифати таъминоти туфайли истеъмолчи 190.000 сўм ундириб берилди.

Хамза тумани Лисунова кўчаси 49-уй, 15-хонадонда яшовчи Г.Павлюк хусусий тадбиркор Е.Павленкога қарашли «Кредит техника» савдо дўконидан 975.000 сўмлик «Индезит» русумидаги музлатгични харид қилган. Мазкур музлатгич сифат-

сиз чиқкани боис, истеъмолчи талабига кўра, бепул таъмирланди.

Чилонзор туманида истиқомат қилувчи М.Бусигина хусусий тадбиркор Ш.Қодирхўжаевнинг кимёвий тозалаш корхонасига кишки кийимини топширади. Аммо кийимнинг ёқа қисми сифатсиз тозаланади. Ҳозирда кўрсатилган сифатсиз хизмат учун хусусий тадбиркордан 36.400 сўмлик моддий зиён истеъмолчи фойдасига ундирилган.

Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-1-даҳа, 24-уй, 34-хонадонда яшовчи Р.Подчаев Навоий кўчасида жойлашган хусусий тадбиркор М.Абдурахмоновга тегишли «БЕК» савдо дўконидан «Soni» русумли видеокамерани 380.000 сўмга харид қилди. Аммо мазкур маҳсулот ўзининг кафолатини оқлай олмагани сабабли сифатли таъмирлаб берилган.

**Хурматли шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари! Сиз харид қилган маҳсулотларда ҳам нуқсонлар сезилмаган бўлса, куйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Тошкент 100185, Бунёдкор кўчаси 23-а-уй. Телефонлар: (998 712) 276-90-46, факс: 276-89-35. Email: toozppuz@gmail.com.**

**Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади.**

Улардан минглаб аёллар ва ёш қизлар алданган ҳолда ўғирланиб номақул фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш мақсадида сотиб юборилади. Аёллар ва ёш қизларнинг кўпчилиги Марказий ва Шарқий Европа, МДҲ мамлакатларидан контрабандан йўллари орқали олиб чиқиб кетилади. Умуман олганда, Фарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари кўп йиллардан бери контрабандистлар томонидан Осий, Африка ва Латин Америкаси давлатларидан одамларни олиб келиш ва сотиш пунктларига айланган.

Одамлар савдоси тушунчасига тўхтайдиган бўлсак, бунда кўпроқ «аёллар савдоси» аёллар ва болалар савдоси тушунилади. Негаки, ҳақиқатан ҳам одамлар контрабандаси ҳисса-сида аёллар ва қизларнинг савдоси ниҳоят даражада юқори. Шунинг учун кўп ҳолатларда ушбу тушунча остида инсонларни ҳақ тўланадиган хизмат кўрсатиш соҳаларида жалб этиш мақсадида сотиш ва шунга ўхшаш ноқонуний хатти-ҳаракатларни тушуниш одатга айланган. Бирок шу билан бирга одамлар траффиги — бу анча кенг тушунчага эга воқеалик. Унга кўра ноқонуний равишда мигрантларни мамлакатга олиб кириш ва малакасиз, кам иш ҳақи тўланадиган устахона, завод, фабрика, уй ва қишлоқ хўжалиги ишларида уларнинг меҳнатидан мажбуран фойдаланиш, мажбуран сохта никоҳ қуриш, шунингдек ёш аёлларни тунги клубларда ишлаш мақсадида сотиш ва сотиб олиш каби хатти-ҳаракатларни тушунишимиз мумкин.

Одамлар савдоси тушунчасига ҳозирги кунда жуда кўпгина таърифлар мавжуд, бироқ бу одамлар савдосининг жинсий хатти-ҳаракат сифатида аниқлаш ягона хусусияти йиғиндисининг мавжуд эмаслигидан далолат берилади.

Халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилигимизга кўра одамлар савдоси тушунчаси остида куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахсининг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади. БМТ томонидан берилган маълумотларга қараганда, одам савдоси энг авжига чиққан давлатлар сирасига Непал, Судан, Бирлашган Араб Амирликлари, Хиндистон, Габон, Гаити, Мьянма давлатлари киритилган. Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра одам савдоси орқали топилган бутун дунёдаги бир йиллик даромад 9,5 миллиард долларни ташкил этади. Бошқа экспертларнинг маълумотларига кўра эса ушбу бозорнинг умумий айланма пули 19 миллиард доллардан иборатдир.

«Бу ҳолат ҳар кимнинг бошига тушиши мумкин, аммо менинг бошимга эмас...». Афсуски бундай фикрловчиларнинг сони йилдан-йилга бутун дунё бўйича ўн минглаб қўлайиб бормоқда. Шунинг

«ўта қулай» бўлган шартларда ва даромад топиш имконияти юқори бўлган ишларни тақлиф этишлари. Инсоннинг ҳаёлида шундай туйғу пайдо бўлади — бу унинг энг бахтли имконияти ва ундан воз кечиш аҳмоқлик деб қабул қилинади. Инсонларни алдаш ҳолатлари жуда бир-бирига ўхшаш, бироқ ўз домига тортиш усуллари ҳар хил.

Одамлар савдоси механизмлари ва инсонларни жалб этиш усуллари ҳақида гапирар эканмиз, ов қилиш вақтида пинхона равишда ҳаракат қилувчи йиртиқлар каби одам савдоси билан боғлиқ жинсий хатти-ҳаракатларни содир этувчи шахслар ҳам ошқора реклама ни ёқтиришмайди. Никоҳ сифатида улар энг оддий воситалардан фойдаланиш ади. Эълоларда улар асосан биз ўз дўстларимиз ва танишларимиз билан ўртоқлашиб турадиган, радио ва телевидение орқали хабар қилинадиган хориждаги ҳаммага маълум ишлар тақлиф қилишди. Барчамиз биламизки, кўпчилик инсонлар чет мамлакатларда қонуний ва ноқонуний равишда таълим қилиб келишмоқда. Шу сабабли, аслида одам савдосини ўзида мужассам этувчи эълоларда ҳеч қандай тумон ўйғотмаслиги учун энг оддий тақлифлар ифода қилинган бўлади.

Шундай ҳолатларнинг олдини олиш ва инсонларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида 2008 йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни қўлга кирди, 2008 йил 8 июлда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар трансмильлик жиноятчиликка қарши тизимли кураш борасида давлатимиз сиёсатининг мантйқий давоми бўлди. 2000 йил 15 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Трансмильлик ушган жиноятчиликка қарши БМТ Конвенциясини тўлдирувчи одам, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги Протоколи қабул қилинди. Бу ҳужжатлар одам савдосига қарши кураш борасида давлатларнинг халқаро даражадаги мажбуриятларини белгилаб беради ва тегишлича мажбуриятларни оқлайди.

Жасурбек ЖУМАНИЯЗОВ, ТДЮИ «Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ» кафедраси ўқитувчиси

## Хамкорлик ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

**ҲИНДИСТОН ДАВЛАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ЎРТАСИДА ҚАДИМИЙ ВА АЗАЛИЙ МУНОСАБАТЛАР МАВЖУД БЎЛИБ, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УНИНГ РИВОЖИГА МУҲИМ АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛДИ. ШУ БОИС ҲАМ ҲИНДИСТОН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТАКЧИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда икки хамкор мамлакатнинг савдо-иқтисодий алоқалари янада мустаҳкамланиб бормоқда. Утган йил якунларига кўра, икки давлат ўртасидаги йиллик товар айланмаси 78,2 миллион АҚШ долларини, шу жумладан экспорт 11,1 миллион АҚШ доллари ва импорт 67,2 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Экспорт товарлари орасида пластмасса, жун, чарм ва чарм маҳсулотлари, қуруқ мева ва бошқалар мавжуд бўлиб, юртимизга йўналтирилган импорт таркибидан эса фармацевтика маҳсулотлари, қоғоз, картон, органик ва кимёвий қўшилмалар, оптика асбоб ва аппаратлари, қахва, чой, қора металл ҳамда улардан тайёрланган товарлар, турли хизматлар ўрин олганлигини айтиш жоиз.

Кунги кеча юртимизга Хиндистоннинг фармацевтика соноатида фаолият юритувчи корхоналари вакиллари делегацияси ташриф буюрди. Мазкур делегация таркибидан дори маҳсулотлари тайёрловчи ва экспорт қилувчи 23 та ҳинд фармацевтика корхоналари раҳбар ҳамда вакиллари ўрин олган. Шу муносабат билан «Le Grand Plaza» меҳмонхонасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлиги ва қўллаб-қувватлаши асосида кооперацион биржа ташкил этилди.

Тадбирда Хиндистон ишбилармонлари делегацияси, республикамизнинг йирик муассаса, уюшма, ташкилот ва турли компаниялари раҳбарлари, вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Анжумани кириш сўзи билан очган Хиндистоннинг республикамиздаги Факуллода ва мухтор элчи Саяд Манал Шах Аъладири Ўзбекистон ва Хиндистон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик азалий дўстлик ва ишонч асосида ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у бутун иқтисодий тарқарор ривожланаётган Ўзбекистондаги қулай инвестицион муҳит ҳақида, шу билан бирга Хиндистон иқтисодийнинг ривож хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда мамлакатимизда хинд капитал иштирокида 49 та корхона ташкил этилиб, улар халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, чарм маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, дори-дармон, тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш, қурилиш, туризм ва чакана савдо соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳозирда мамлакатимизда 14 та хинд компания ва ташкилотларнинг аккредитациядан ўтган ваколатхоналари мавжуд. Тадбирда шу нарсалар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Ўтказилган тадбир сўнгида хиндистонлик ишбилармонларнинг фармацевтика соноатида эришаётган ютуқлари, изланишларини намойиш этган дори-дармон маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда ҳар бир корхона вакиллари ўз фаолиятлари ҳақида қизиқувчиларга батафсил маълумотлар беришди.

— Корхонамизда 150 турдаги дори-дармон маҳсулотлари тайёрланади — дейди Хиндистондаги «Madna Laboratories Pvt Ltd» компанияси бошқарувчи директори Гандхи Мира Сачин. — Улар орасида инъекцион дорилар, кўз ва қулоқ учун томчилар, тери парваршишга мўлжалланган стерил ва ностерил воситалар, турли крем, паста ва бошқалар мавжуд. Бизнинг ташрифимиздан мақсадимиз фақатгина уларни сотиш эмас, балки Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдир.

Албатта, ушбу муҳим тадбирнинг фойдали шартномалар тузишда, ҳамкорликда бизнесни ташкил этишда, хорижий сармояларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Шарофат БАХРОМОВА

## СОЛИҚ МАДАНИЯТИ ВА ЁШЛАР

**СОЛИҚЛАР МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ АСОСИ БЎЛГАНИ УЧУН УЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТўЛАШ ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ КОНСТИТУЦИЙ ВЯ БУРЧИДИР. ШУ БОИС ФУҚАРОЛАР СОЛИҚ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИДИР.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазириликлари билан ҳамкорликда таълим муассасаларида солиқ оид тушунчалардан сабоқ бериш борасида махсус режа ишлаб чиқди. Шу мақсадда қатор дарслиklar яратилди. «Иқтисод ва солиқ алфбоси» бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлса, «Иқтисод ва солиқ сабоқлари»ни 5-7 синф, «Солиққа тортиш асослари»ни 8-9 синф ўқувчилари ўқийдилар. Ноиқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасалари талабалари учун эса «Солиқ ва солиққа тортиш» дарслиги яратилди. Мазкур йўналишда ташкил этилган республика кўрик-танлови бу борадаги ишларнинг мантйқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида бўлиб ўтган таълим анжумани бу борада амалга оширилаётган ишлар ва унинг самараларига бағишланди. Қўмита раисининг биринчи ўринбосари Э.Гадов солиқ маданиятини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар ва солиққа оид тушунчаларни тарғиб этиш жараёнида аҳолининг деярли барча қатламлари қамраб олинаётганини таъкидлади. Айниқса, жорий ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари ва коллежларда солиққа оид сабоқлар берила бошлангани болалар ва ёшларда катта қизиқиш уйғотаётган.

Анжуманда дарслиklar ва уларни ўқитиш услублари ҳамда бу борадаги ишларни такомиллаштириш юзасидан фикрлар билдирилди.

(ЎЗА)

# Маънавият — ақ. кўзгуси

Ёшлар — келажакимиз

## ИЛМУ ИЖОД УЛУҒЛИККА ЕТАКЛАР...

**ЮСУФ ХОС ХОЖИБ «ҚУТАДҒУ БИЛИ» АСАРИДА «БИЛИМ КИМДА БЎЛСА БУЮКЛИК ОЛАР» ДЕЯ ТАЪКИДЛАГАН. ЧИНДАН ҲАМ ИЛМИ ОДАМ ИЗЛАНУВЧАН ВА ИЖОДҚОРДИР, У ИЛМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИБ БОРА-БОРА БУЮКЛИК МАНЗИЛИГА ЕТАДИ. ШУ ЎРИНДА 2008-2009 ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ «ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИЖОДИЙ МУҲИТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЎҚУВ ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИ БЕЖИЗГА ЭМАС. ЭНДИЛИКДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ПЕДАГОГЛАР ЗИММИСИГА ЯНГИ-ЯНГИ ВАЗИФАЛАРНИ ЮКЛАМОҚДА.**

Таълим мазмунини чуқурлаштириш, тақомиллаштириш учун педагог ижодқорона маҳоратга эга бўлиши зарур. Зеро, 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қарорлар тайёрлаш Миллий дастурининг мазмунида ҳам таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, янада бойитиш, ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илгор педагогик технологиялар билан таъминлаш ҳақида алоҳида қўрилган. Шунингдек, таълим-тарбия масканларида мустақиллигини голлари, бой маънавий меросимиз ҳамда миллий қадриятларимизнинг кенгроқ тарғиб қилинишига эътибор қаратилган.

Мирзо Улугбек тумани ўқувчилар ижодиёт маркази иш фаолиятининг мазмунида ҳам асосан миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш масаласи муҳим ҳисобланади. Бу масканда ҳар битта бола

чинакам ижодқорликка, ўз устидани билмай ишлашга ўрганади. Хунармандлик сирларидан огоҳ бўлади. Ўқиб-изланишга одатланади. — Марказимизда тўрт ярим минг нафардан ортиқ ўқувчилар 22 та йўналиш бўйича тўғрақларга қатнашадилар, — дейди мазкур ўқувчилар ижодиёт маркази директори Хусниддин Исмоилов. — Ногирон болалар ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун алоҳида шарт-шароитлар яратилган. Ўқувчиларга энг малакали устозлар кўмаклашишда, касб-хунар сирларини ўргатишда. Бундан ташқари ўқувчиларимиз турли танловларда фаол иштирок этадилар. Масалан, қўрқочлик, чеварлик ва ракс тўғрақлари ҳамда бошқа кўпжа йўналишларда қизларимиз кўрик-танловлар совриндорлари бўлишди. Спорт бўйича ўғлонларимиз эришган натижалар айниқса ҳаммамизни қувонтирди. «Келажак овози» танловида ўз ишлари билан қатнашган ўқувчиларимизнинг иқтидори юқори баҳоланиб келимоқда. Шунингдек, жоник, ижодқор ўқувчиларимиз барча имкониятлардан фойдаланиб, ўзларининг изланувчанлиги билан голиб бўлишга, бу эса уларнинг жамият ривожига муносиб ҳисса қўшишларига кафолатдир.

Дарҳақиқат, ўтган муқаддас йилда ўқувчилар ижодиёт марказида кўпгина самарали ишлар амалга оширилди. Жойларда «Оталар мажлиси», «Аждодлар мероси — бебаҳо бойлик», «Байроғимиз — фахримиз», «Қомусимиз — орномусимиз», «Китоб — қалбим чироғи», «Сен ёлғиз эмассан, болажон», «Ўзбекистон — Ватаним маини», «Хунар-бахт қалити» сингари ўнлаб учрашув ва сўхбатлар, давра мулоқотлари ўтказилдики, ҳаммасининг замирида ўқувчиларимиз она юртва муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш масаласи мавзуда. Муҳими, бундай учрашув ва мулоқотларда ҳаёт таърибасига эга бўлган зиёли киши-

лар, соҳа эгалари ва кексалар иштирок этишди. Улар ёшларга ўз ҳаётлари ҳақида сўзлаб беришди, йўл-йўриқ кўрсатишди. Бундан ташқари ўқувчиларимиз ҳуқуқий мавзудаги тадбирларда ҳам ўз билимдонликларини намойиш этишди. Биргина мисол. Ўтган йилнинг куз ойида «Меҳринга тасанно меҳрон» мавзуда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Маънавият тарғибот бўлими, туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЕИХ ва ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир давомида ёшлар табиати асраб-авайлаш, ўсимликлар оламига меҳр билан қараш, жониворларни севиб ардоқлаш ва фасллар ҳақида тўла маълумотга эга бўлишга ҳаракат қилдилар. Бу борада кекса деҳқонлар, касб эгалари ва педагоглар ўқувчилар билан сўхбатлар ўтказишди. Кадрлар тайёрлаш Миллий да-

**ҲАР БИР ИНСОН ЎЗИ ТУГИЛИБ ЎСГАН ҚАДРДОН ОНА ЮРТИНИНГ, ЯШАБ ТУРГАН МАҲАЛЛАСИНИНГ ТАРИХИНИ БИЛИШИ, ЎРГАНИШИ ЗАРУР АЛБАТТА. ФАРАЗАНДЛАРИМИЗГА АВВАЛО ВАТАНГА МУҲАББАТ, ОИЛАГА, ОТА-ОНАГА МЕҲР-МУҲАББАТ, САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИНИ ЁШЛИКДАН СИНГИРИБ БОРИШИМИЗ, УЛАРНИ АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ ВОРИС ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ, УМУММИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, АНЪАНАЛАРИМИЗНИ ҚАДРЛАШГА ЎРГАТИШИМИЗ КЕРАК.**

## Маънавият тарғибот марказларида ТОШКЕНТ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМИЗ

Йилдан йилга тобора гўзаллашиб, кўркам ва мафтункор жамоли билан нафақат юрдошларимизни, балки чет элликларни ҳам ўзини ўзига жалб қилаётган қадим ва навқирон Тошкентимизнинг бу йил 2200 йиллик тўйига қизгин ҳозирлик қўрилмоқда. Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлаётган. Жумладан, Юнусобод туманидаги Мирзо Улугбек маҳалласида ўтказилган «Тошкент тарихини ўрганамиз» мавзудаги маънавий-маърифий тадбир ҳам мазмун-моҳияти билан алоҳида диққатга сазовор бўлди. Юнусобод туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар Юнусобод туман бўлими ва «Маҳалла» жамғармаси ҳам-

корлигида ташкил этилган ушбу маънавий-маърифий тадбирда «Маҳалла» жамғармаси вакиллари, маҳалла фаоллари, Тошкент иригиация ва мелиорация институти қошидаги академик лицей ҳамда 51-умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирок этидилар. Тадбирни Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдураҳимова кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорининг мазмуни ҳақида, шунингдек, туманда мазкур санъатга тайёргарликларини бориши ҳусусида гапириб ўтди. Шунингдек, тадбирда Мирзо Улугбек маҳалласи оқсоқли Зибўвуддин Абборов «Мирзо Улугбек маҳалласи тарихини ўрганамиз» мавзуда сўзга чиқиб, мазкур маҳалла тарихи, бу масканда яшаб ўтган ва ҳозирда ис-

тикомат қилаётган таниқли инсонлар ҳақида, кейинги йилларда маҳаллада амалга оширилаётган ободончилик, бунёдкорлик, ҳамжиҳатликда олиб борилаётган диққатга сазовор ишлар ҳусусида мамнуният билан гапириб берди. Тадбирда Ўзбекистон тарихи Давлат музейи тарихшуноси Ф.Расулова «Тошкент — шарқ дарвозаси» мавзуда сўз юритиб, Тошкент шаҳри тарихи, маданияти, мезморий обидалари, шунингдек, буюк алломаларимиз ҳақида ёшларга батафсил маълумотлар берди. Биргина «Хотами Той» ҳикоясини кўриб чиқар эканмиз, унинг тарбиявий томонига ахамият бериб кўринди. Бир кунги саяхат билан ном қозongan Хотами Той юзта туя ва сонсаноксиз кўп қўй сўйиб эл-элатларни зиёфатга қақчирибди. Узи эса, бироз айланиб келиш учун кўчага чиққанида бир

## АЖДОДЛАР МЕРОСИ— ҲИКМАТЛАР ДУНЁСИ

**УЛУҒ ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ АСАРЛАРИ ЧЕКСИЗ УММОНКИ, УНИ ЎҚИШНИ БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДАН БОШЛАМОҚ КЕРАК. БУ АЛБАТТА НАВОИЙ ИЖОДИНИ ТУШУНИШГА ВА УНГА ҚИЗИҚИШ ОРТИШИГА САБАБ БЎЛУР ЭДИ.**

Улуғ шоирнинг биргина «Хайрат ул-аброр» достонини олайлик. Унда комил инсон бўлиш учун керакли дидактик маълумотларнинг барчаси мавзуда. Адолатли ва сарфатли бўлиш, ватанпарвар ва элсеварлик, яхшиликнинг натижасини, ёмонликнинг инқирози, мардлик ва жасорат ҳақида ўнлаб таълимий мақолалар ва уларни тасдиқловчи ҳикоятлар берилган. Биргина «Хотами Той» ҳикоясини кўриб чиқар эканмиз, унинг тарбиявий томонига ахамият бериб кўринди. Бир кунги саяхат билан ном қозongan Хотами Той юзта туя ва сонсаноксиз кўп қўй сўйиб эл-элатларни зиёфатга қақчирибди. Узи эса, бироз айланиб келиш учун кўчага чиққанида бир

боғлам ўтин орқалаб кетаётган бир чолни кўради. Чола раҳми келиб: — Хозир Хотами Тойни катта зиёфат берилаётган, дарҳол ўзининг ташлаб у ёққа бор, — дебди. Чол унга жавобан: — Мингдан билан бировнинг номини ейишдан кўра, тикан йиғиб солиб, ўз меҳнатим билан яшаганим яхшидир, — дейди. **Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин, Тортмағил Хотамин, Той миннатин, Бир дирам олмак чекибон даст ранж, Яхшироқ андинки, Бироз берса ганж.** Хотами Той бу жавоб олдида мот бўлиб бу камбағал чолнинг ҳимматда ўзидан ҳам баланд турганини тан олибди. Бундай ҳикояларнинг

## СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

- Швейцариялик олимлар шоколадга боғлиқ бир қанча маълумотларни эълон қилишди. Уларнинг фикрича, қора шоколаддан 60 грамм истеъмол қилиш қон айланишини яхшилаши таъкидланган. Бундан ташқари шоколад таркибидаги кофеин ва теобромин моддаси ишчанликни ошириб, қаттиқ чарчоқни енгишда жуда фойдали ҳисобланади.
- Америкалик олим Брендон Макалусо картон қоғоздан компьютер ясади. «Resompute» деб номланувчи мазкур компьютернинг корпуси гофирова қилинган картондан ишланган. Бошқа компьютерлардан фарқли ўларок, уни тайёрлашда металл ва пластикдан фойдаланилмаган.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишчи, арзон ва экологик тоза бундай компьютернинг хотираси икки гигабайтга тенг бўлиб, унга «Intel Core 2 Duo» процессори ўрнатилган. «Resompute» ёнингга ҳам чидамлади.

- Канаданин «Rlanon» компанияси митти Bluetooth принтер ишлаб чиқарди. «Printstik PS 950» принтери Bluetooth модели телефон ва ноутбунлардан маълумот олиб, қоғозга чоп этиш ҳусусиятига эга. Етти юз грамм келадиган митти принтернинг бўйи йигирма беш, эни икки юз саксон миллиметрни ташкил қилади. Бир дақиқада уч бет маълумот чоп этила оладиган бу асбоб ҳозирча 200 фунт стерлингга баҳоланган.

- Хорватиялик 71 ёшли нафақажўр Перо Айтман 40 йилдан буён «Кока-кола»дан бошқа ҳеч қандай ичимлик истеъмол қилмаслигини айтиб ўтган. У мазкур газланган ичимликни 1968 йилдан буён истеъмол қилади. Бунга сабаб, у ўшанда онасига алкоголь ичимликлар истеъмол қилмасликка ваъда берганди. Айтманнинг таъкидича, унинг онаси вафот этганига анча бўлган бўлсада, у спиртли ичимликларга «қайтиш» ниятида эмас. Унинг сўзларига кўра, у бир кунда беш стакан кола ичади. Тушлиқдан олдин ва кейин, кечки овқатдан ҳамда уйқудан аввал.

- Эрика ля Тур исмли аёлнинг галати севгиси маълум бўлди. У Эйфель минорасини севиб қолган. Кучли муҳаббати хурмати ўзига Эйфель фамилиясини олди. Эрика ростдан ҳам архитектура мўжизасига бефарқ эмас. У жонсиз нарсаларга қизиқиш синдромидан азият чекади. Эрика Эйфель минорасига бўлган муҳаббатидан олдин Берлин деворини севиб қолган эди.

- Буюк британияда яшовчи Жон Сержисон 41 йил давомида ўз аёлига бир хил янги йил откриткасини жўнатади. Илк бор 1967 йили Жон қиммат откритка сотиб олиб, ўз қайлиғига юборади. Тадбирли куёв ўз дил изҳорларини қаламда откриткага ёзади. Сўнг улар оила қуришда ва янги йилда тежамли эр ишлатилган откриткадан фойдаланиб, иккинчи марта янги йил табригини қаламда ёзиб жўнатади. Шундан бери Сандра Сержисон янги йилга турмуш ўртоғининг совғаси нималигини олдиндан сезади.

- Рақамли медиони ўрганаётган Берлиннинг санъат институти талабаси Ивонне Дилпманн ёқимли ва фойдаланишини бириштириш мақсадида ноутбук тузди. Унга антика ном ҳам топилди. I-Sleep (Sleep инглизчадан таржима қилинганда «ухлаш» деган маънони беради). Ноутбук қопқоғига лотексдан ёстиққа маҳкам ўрнатилган. Ишлайвериб чарчаб кетдингизми, компьютер ёпиладиганда юмшоққина ёстиққа айланади. Насос вазифасини эса ноутбук ўтайди, у ўчирилмайди. Фақатгина «ухловчи» режимга ўтказилса, совутиш вентилятори ёстиқни шиширишни бошлайди. Фойдаланувчи компьютер очилганда иссиқлик қуввати билан таъминлашни тўхтайдди.

- Яқин вақтгача инсондан ташқари қушлар, балиқлар ва саламандрлар санашга лаёқатли деб ҳисобланарди. Австралия олимлари изланишлари эвазига ушбу рўйхатга асарлар ҳам қўшилди. Олимлар бир қанча ариларнинг ўзгачаларини танаб олиб, ширинликка ер ости йўли орқали учиб боришларини ташкиллаштиришди. Фақатгина сарқиб белгилар йўл кўрсатувчи эди.

- Биологлар белгилар йўлчи ва формасига қараб орасидаги масофани ўзгарттиришган. Ҳашаротлар аввал учратмаганлари қўшиб борилган. Олимлар асарларини ширинликка етиб боришларида масофа ёки белгиларга мўлжаллашлари ҳақидаги тахминни қўйишмоқчи эди. Бундан ташқари маълум вақтда ҳашаротлар фақатгина бир белгини кўришган, муқофотга етиб бориш учун ариларни санашларига тўғри келган.

- Кенгуру ҳақида ҳамма билади. Унинг қопқасидан қараб турадиган боласи бошқа ҳайвонлардан ўзгачалигидан далолат беради. Лекин Жанубий Америкада қопчали қуш борлиги ҳақида кўпчилик эшитмаган бўлса керак. Унинг номи кикапара экан. У хар бир қаноти остида «чўнтаги» бўлиб, ўз қушчаларини солиб юради.

- Наполеон ҳақида бизга тарихдан маълум. Унинг китоб ўқиш тезлиги қанча бўлгани сизга қизиқми. Унда эштинг. Наполеон бир дақиқада икки минг дона сўз ўқишга қодир бўлган.

## Орамиздаги одамлар ҚАЛБ АМРИ БИЛАН


77 баҳорни қаршилаган бўлса-да ҳамон тетик ва бардам, қатъиятли отахоннинг хонадонига бўлганимизда унинг қалб амри ила амалга ошираётган ибратли ишларини кўриб, Талъат отадаги собитқадамлик ва ғайратга очиги, ҳавасимиз келди.

Албатта, ҳаётда хайрли ишларнинг бошланishiга доимо бирор нарса туртки бўлади. — 1994 йил, ёз кунларининг биринчи кунларида кўпчиликнинг кутубхонаси томонга кетаётган кўридорда ўрта бўйли истараси иссиқ, қалин қопқора қоши, юзларидан нур ёғилиб, табассум билан мен келаятган томонга қараб турган киши эътиборимни ўзига тортиб, ёнига яқинлашганимда «Ассалому алайкум» деб салом берди ва саломига алик олганимдан сўнг, бироз сўхбатлашиб давомида у кишининг Билал Аминов — элшунос олим, бизнинг қорхонамизга таржимон бўлиб ишга киргани маълум бўлди. — дея эслайди Талъат ота. — Билал ака ўзининг меҳнатсеварлиги, ширинсуханлиги, хушумомалалиги, камтарлиги ва олдига келганларни алломаларнинг ҳикмати сўзларидан мисол келтириб, кишининг дилини яйратиб юборадиган ҳазил-мутойиба сўзлари туфайли жамоамиз ўртасида тезда ҳаммамизнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлди. Билал аканинг хайрли ва савобли ишларидан бири ўзларидан кўра жамоа ва ўзгалар манфаатини кўпроқ ўйлаб иш қилар эканлар. Соҳам муваҳхислик бўлишига қарамадан бадиий адабиётлар ва газета-журналлардаги қизиқарли мақолаларни ўқишга қизиқар экан. Шунинг учун 1970 йили шаҳар марказидаги 9 каватли уйга қўчиб борганидан сўнг хар кун олдимиздаги газета сотадиган дўкандан талайгина газета-журналлар олиб, улардаги ахлоқ-одоб, бола тарбияси ва тарихимизда ўтган буюк алломалар тўғрисидаги мақола-

ларни кесиб олиб, катта умумий дафтарга ёпиштириб, «Ҳикматлар ҳазинаси» деган 7 та китоб тайёрлаган эдим. Буларни кўрган Билал ака менга қараб: — Талъат ака, сиз кўп мамлакатларда бўлган, ёшлигимизда кўп воқеаларни бошдан кечирган, ота-боболарингиз ўқумишли кишилар бўлиб ўтишган экан, шунинг учун сиз ўтган авлодларингиз шажарасини тузиб улар тўғрисида маълумот тўплаб китоб ёзишингиз керак, деган фикрни билдирилди.

— Бу нарса менинг қўлимдан келмайди, — дейишимга қарамадан менга шажарани ёзиш тўғрисида режа тузиб бердилар. Мен 1-1,5 ой мобайнида ҳеч нарса ёзолмай қийналдим. Лекин Билал ака менга эринмасдан ўрта мактабларда устозлар талабаларга қандай ёзишни ўргатсалар шундай кўн билан ўргатдилар... Шундай қилиб, Билал Аминовнинг жонқуярлиги боис бир йилдан ортиқ вақт ичида келгуси авлодлар учун ниятда фойдали бўлган 517 бетлик «Додонема» китоби юзага келди. Ундан Талъат отанин ота авлод, она авлодлари, яқинлари, ўзларининг ҳаёт йўллари, рўй берган турли ибратли воқеалар ўрин олган. Ўғилларимга, қизларим ва келинларимга деган сарлавҳалар остида бебаҳо насихатлар битилган.

**ОРАМИЗДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТГА ЧАНОҚ, ЁШЛАР КАМОЛОТИНИ ЎЙЛАБ ЯҚИНЛАРИГА ВА АТРОҒДАГИЛАРГА ҲАЁТ САБОҚЛАРИ, ИБРАТЛИ ҲИКМАТЛАРНИ УЛАШИШГА ИНТИЛУВЧИ ИНСОНЛАР КЎПЛАБ ТОПИЛАДИ. ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ «ШОҒАЙЗИ» МАҲАЛЛАСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ТАЛЪАТ ОТА ҚОСИМОВ ҲАМ МАНА ШУНДАЙ ЗИЁБАХШ КИШИЛАР ҚАТОРИГА КИРАДИ.**



«Маънавият — ҳаёт ёғдуси» дейдилар. Ота-хоннинг бундай ибратли иши у билан танишган хар бир инсонни ҳаётни қадрлашга, меҳроқибатли бўлишга, ўз ота-боболари, авлодлари ҳақида ўйлашга ва уларни билишга ундайди. «Ўтмишимиз — келажак йўқ» дея Юр-Тошчиимиз таъкидлаганларидек, ота-боболаримизнинг ибратли ҳаёт йўллари, фарзандларимиз, набираларимиз учун ўрнат олишга арзийдиган бебаҳо мактабдир. Буни барчамиз ёдда тутишимиз, илҳом бўлса, шу каби шажаравий китобларни эринмай битиб келгуси авлодларимизга қолдиришимиз керак. Яна шунинг ҳам қувонч билан таъкидлаш кераки, турли қизиқарли воқеа, ҳодисалар, ҳикматлар ўз аксини толган газета-журналлар қирқимиллардан тайёрланган «Ҳикматлар ҳазинаси» номи қалин альбомлар сони 15 тага етди. Альбомлардан биттаси тўлалигича «Тошкент оқшомини» газетасидан олинган ҳикматлардан тайёрланганлиги эътиборга лойиқдир. Бундан ташқари, яна 2 та альбом тиббиёт соҳасига бағишланган. Ушбу альбомлар, китоблардан қўни-қўшинлар, яқинлар, қариндош-уруғлар, маҳалладошлар доимо

бахраманд бўлишди, улар кишилар онгига бақимисли зиё нуруни сочиб, билимларини оширишга, савобли амалларни бажаришга ундайди. Утмишимизда буюк алломаларимизнинг айтишларича, инсон уч тоифага бўлинар экан. Биринчиси фақат ўз манфаатини кўзлаб иш қилса, иккинчиси ҳам ўзини, ҳам ўзгаларнинг манфаатини ўйлар, учинчи тоифа инсонлар эса ўзини ўйламай ўзгалар, Ватан ва эл-юрт манфаатлари йўлида хизмат қилар эканлар. Деярли қирқ йилдан буён қалб даввати ила ҳикмат тўплаб, уларни кўпчиликка, айниқса ёшларга тарқатиб, келгуси авлодини тўғри йўлга бошлашдек, хайрли ишларни бажараятган Талъат ота Қосимовнинг ҳам учинчи тоифа одамлар орасига киритиш мумкин. Биз ҳам ота-хоннинг хонадонидан дилимиз чоғ бўлиб қайтар эканмиз, умрингиз узун, элга зиё тарқатишдек хайрли амалларингиз бардавом бўлсин, дея ният билдириб қолдик.

**Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТДА: Талъат ота Мухсимон ўғли невараларига ҳикматлар сабоғини бермоқда**

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОМО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Туролмас ёнма-ён дин бирла дунё, Уларни бир йўла сўрмаслар асло...

Етишсанг зарра Ҳақнинг шафқатига, Етарсен икки олам неъматига...

Камони Ҳақни тортгувчи башар йўқ, Нечун келгай, нечун кетгай, хабар йўқ.

Нечун келгай, буни бир кимса билмас, Нечун кетгай, даги билгувчи бўлмас...

Жаҳони ишқ аро уч йўл эрур чун: Бири оташ, бири ашқу бири хун.

Агар бўлмаса ойна зинҳор, Киши бўлгаймиди ўздин хабардор?

Кўнгил сиррига боқсанг бир замон сен, Топарсен унда ҳикматдин нишон сен.

Агар ҳар нарсадин озод эрурсен, На гамгиндирсену на шод эрурсен.

Кишиким кўнглидин сўз айтса, бас, ул, Уфургай субҳи содиқдек нафас ул.

Тилиндин мунча офат етди сенга, Сукутдин баски иззат етди сенга.

Қалам бошин кесарлар ҳар замони, Даҳони ичра бор икки забони.

Нечун хурлик сафосин сурди савсан? Бор эрди ўн тили, жим турди савсан.

Кўнгил бузғунлигига тан хирождир...

АҲМАД ЯССАВИЙ

Эсиз олим, амал қилмай йўлда қолур, Ўқуб, ўқмай, дунё молин кўлга олур, Манманликда азиз умрин зоёе қилур...

Зоҳир бузуб, ботин тузгул олим бўлсанг.

Ҳақиқатнинг гавҳаридин олгон киши, Кўнгли синук, ўзи мунглуг, кўзда ёши, Хорлик-зорлик, машаққатдур доим иши, Бу дунёни пучак пулга сотар, дўстлар.

Бехабарлар умрун билмай елга сотар.

Сўз аслини билганларга дурри гавҳар, Зоҳирига боққан курук қолар, дўстлар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Шайхонтоҳур туманидаги «Тўртинчи» масъулияти чекланган жамияти стоматологик поликлиникаси жамоаси поликлиника бош врач Узеиниш Бахтияржанович Соғлиқни сақлаш аълочили, олий тоифали врач-стоматолог Хуршид Мўминович МҲМИНОВнинг вафот этганилиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



ЧИМЁНДАГИ МУСОБАҚА

ЧИМЁНДА СНОУБОРД БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ МУСОБАҚАСИДА ЎТТИЗ НАФАР СПОРТЧИ ҲОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

Слалом-гигант бўйича эркаклар баҳсларида Олег Шеламовга тенг келадигани топилмади. Мохир спортчи асосий рақобатчилар — Елисей Воскресенский ва Бахтиёр Бозоровни ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади. Хотин-қизлар ўртасида Нурия Аҳмедшина шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Икитдорли спортчилардан Васила Расулова ҳамда Анна Султонова кучли учликдан жой олди.

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар Рашид Галиев олган суратлар



Спорт янгиликлари

ШАХМАТЧИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

РОССИЯ ПОЙТАХТИ МОСКВА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «AEROFLOT FESTIVAL 2009» ШАХМАТ ФЕСТИВАЛИНИНГ «В» ГУРУҲИ БЕЛЛАШУВЛАРИДА ҚАТНАШАЁТГАН ҲАМЮРТИМИЗ А.АНОРҚУЛОВ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИНИ НИШОНЛАДИ.

Саккизинчи турда россиялик Ю.Зиммерманга қарши ўтказилган баҳсда оқ донларда уйнаган ўзбекистонлик шахмат устаси рақибини мот қилишга эришди. А.Анорқулов турнир давомида Россия вакиллари — В.Шавров, Б.Карасичев ҳамда мўғулистонлик З.Баярага қарши ўтказилган партияларда ҳам зафар кўчиб, жами тўрт очко жамғарган.

БЕШИНЧИ ТУР ЯҚУНЛАНДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЁШЛИК» СПОРТ МАЖМУИДА ЎТКАЗИЛГАН ФУТЗАЛ БЎЙИЧА

«ПАХТАКОР» САФИДА ЯНГИ ФУТБОЛЧИЛАР

«ПАХТАКОР» ФУТБОЛ ЖАМОАСИ ЎН САККИЗИНЧИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ВА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ БОШЛАНИШИ ОЛДИДАН ЎЗ ТАРКИБИНИ ЯНГИ ФУТБОЛЧИЛАР БИЛАН КУЧАЙТИРДИ.

Бу ҳақда клуб вице-президенти Самвел Бабаев футболчилар иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилди. Улардан икитаси маҳаллий футболчилар бўлса яна бири Европа қитъаси вакилидир. Сербия ва Черногория ёшлар термалари сафида кўчма қитъа вице-чемпиони бўлган йигирма етти ёшли Бойн Миладинович Ўзбекистоннинг етакчи клуби билан шартнома имзолади. Жамоа раҳбарияти бўйи бир юз тўқсон бир сантиметрга тенг кучли зарбага эга ушбу марказий ҳимоячи

«Пахтакор» ўйинларини кучайтиришга қодир эканлигига умид қилишмоқда. Қисқа фурсат ичида янги жамоанинг барча муваффақиятлари билан танишиб чиқдим, — деди болқонлик футболчи журналистлар билан суҳбат чоғида. — Бу жамоа нафақат Ўзбекистонда, балки Осиёдаги энг кучли клублардан бири экан. «Пахтакор» бой тарихи ва аънавалари билан ном қозонганига гувоҳ бўлдим. Максимум жамоанинг кейинги ғалабаларига муносиб ҳисса қўшиш. Маҳаллий футболчилар-

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ.

Мусобақада бош совринга даъвогарлик қилаётган Навоий вилоятининг «Строитель-Зарафшон» ва Тошкентнинг «Ардус» жамоалари бешинчи турнинг сўнгги учрашувларини ҳам ўз фойдасига ҳал қилди.

Пойтахтлик чарм тўп усталари «Строитель-ПЭМ» (Навоий) футболчилари билан куч синашиб, рақиб жамоани 12:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилаётган «Чотқол» жамоаси «Строитель-Зарафшон»га 3:16 ҳисобида имкониятни бой берди. Яна бир учрашууда «Турон-С» (Андижон) вакиллари «Букинай»дан (Зарафшон) 5:4 ҳисобида устун келди.

Мусобақа ҳафтада йигирма битта учрашууда эллик саккиз очко жамғарган «Строитель-Зарафшон» биринчи ўринни эгаллаб турибди. Худди шунча очкога эга бўлган «Ардус» эса тўплар нисбатига кўра, иккинчи поғонада бормоқда. Кучли учликдан жой олган «Букинай» футболчилари ҳисобида йигирма саккиз очко бор.

Тўпурлар баҳсида рақиблар дарвозасини йигирма саккиз мартаба аниқ нишонга олган «Ардус» ҳужумчиси Фаррух Фархудинов етакчилик қилмоқда.

Боҳир БЕК

Ўқув масканларида

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ОИВ — ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ ИММУН ТИЗИМИНИ ЖАРОҲАТЛАЙДИ ВА ОИТСНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ. ОИТС — ОРТИРИЛГАН ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ, ОИВ ИНФЕКЦИЯНИНГ СЎНГИ БОСҚИЧИ. ҲОЛСИЗЛАНГАН ИММУН ТИЗИМИ ИНФЕКЦИЯЛАР БИЛАН КУРАША ОЛМАЙДИ ВА БУ ЎЛИМГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН.

Бугунги кунда ОИТС дунё бўйича инсонлар ўртасида кенг тарқалаётган хавфли касаллик ҳисобланмоқда. Бу муаммо нафақат инфекция билан зарарланган шахсларнинг муаммоси, балки инсоният, авлодларимиз, қолаверса Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти олдида, БМТ олдида турган долзарб муаммога айланиб улгурди.

Статистик маълумотларга қараганда, дунё бўйича кунига 47 миң киши ОИВ инфекцияси билан зарарланмоқда. Юқумли, хавфли инфекцияларнинг юқиси ва тарқалиши юзасидан таққослаш ишларини олиб борган олимларнинг таъкидлашича, энг юқори кўрсаткич бераётган инфекция—бу ОИВ инфекциясидир.

«Инсоннинг соғлиги ўз қўлида» деган тушунча йилдан-йилга ўз исботини топмоқда. Агар кимки соғлом турмуш тарзини кечираётган бўлса, шу инсонда инфекциялар юқиш хавфи камроқ бўлади.

Ҳар бир инсон ўз соғлиғига, яқинларининг соғлиғига масъуллик билан қараши лозим.

Аллоҳ томондан бизга ўлчаб берилган умримизнинг қадрига етишимиз, руҳ ва тана саломатлигимизни асраб-авайлашимиз керак, деган тушунчаларни талабаларнинг онгига синдириш ва уларни ОИТС касаллигидан ҳимоя қилиш мақсадида Шайхонтоҳур тиббиёт коллежида «ОИТС—XXI аср вабоси» мавзуси остида тадбир ўтказилди. Тадбирда коллежнинг «Ҳамширалик иши», 1-курс, 106-гуруҳ талабалари фаол иштирок этдилар. Улар ОИТС нинг келиб чиқиш тарихи, унинг қандай касаллик эканлиги, кимлар бу касаллик билан касалланиши, юқиш йўллари ҳақида маълумотлар бериш билан бир қаторда, ҳаётимизда учраб турадиган воқеа-ҳодисаларни саҳна кўринишлари орқали намойиш этдилар.

Тадбирда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бош хамшираси Дилдора Содикова талабаларни қизиқтирган саволларига батафсил жавоб берди.

Бизга маълумки, ОИТС касаллигининг олдини олувчи вакцина ишлаб чиқилмаган. Шундай экан, бу касаллик ҳаммамизнинг соғлиғимизга хавф солиб турибди. ОИТС касаллиги унинг юқиш йўллари ҳақида қанчалик тўлиқ маълумотга эга бўлсак, ўзимизни маълум бир даражада юқумли, хавфли инфекциялардан ҳимоя қилган бўламиз ва ўзлаштирган билимларимизни шу касалликка қарши қурол сифатида ишлатамиз.

Дилдора ҲАКИМОВА, Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи I тоифали ўқитувчиси СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисобкитоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеймол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлимларида амалга оширилади.

Фақат умумий саяҳатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади: 1.2009 йил 9 апрель соат 10.00 да

Table with 3 columns: №, Йўналиш рақами, Йўналиш номи, Ҳаракат тарзиби тури

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00 да) тўхтатилади. Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш ва тендер ҳужжатлари пакетини бериш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ҚОАК «InfinBANK»даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, СТИР 204094453, ХХТУТ 51600)га 54100 сўм ўтказилади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ. Буюртма Г- 206

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4694 нусxada босилади. Қўзғат бичими А-2

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер маркасида терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 2 5 6